

ЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ ҲАШРИ

№ 25 (2445)

1992 ЙИЛ 29 ФЕВРАЛЬ ШАНБА

НАРХИ: ОБУНАЧИГА 30 ТИЙИН, СОТУВДА 40 ТИЙИН

## ЯНА ҲАЙ ҲҒРИЛИГИ ҲАҚИДА

Бугун хонадон ҲҒриликлари нафақат Ҳзига тўқ онларни, балки учма-уч яшаётганларни ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Иш жойи йўқ, яшаш жойи бетаинлар ҲҒриликка тушиб, қимматбаҳо тақинчоқлардан тортиб, бир бурда нонгача шилиб кетишмоқда. Ахир, овқат олиб ейин деса, купони йўқ. Купонлари эса фақат иш жойларига берса. Ҳеч кимнинг ҲҒгиси келмаса.

Ҳозир оддий хас ҳам фалон пул. Кўплай ҲҒрилар тиш-тирноғигача қуролланиб, бу йўлда Ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмаяптилар. Эшик тирқишларини бузиб, куппа-кундузи бостириб кириб, Ҳй эгаларини калтаклашмоқда.

Ҳўш, оддий фуқаро қандай қилиб йиллар давомиди мисқолаб йиққан мулкни сақлаб қолсин? Қандай қилиб уларнинг чангалидан жонини омон сақласин?

Биз Ҳзбекистон Жумҳурияти ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасининг ташкилий-таҳлилий бўлими бошлиғи В. Ашихминнинг ушбу ҲҒриликлар таҳлили асосида ишлаб чиққан бир неча қўлланмалари (маслаҳатлари)ни диққатингизга Ҳавола этамиз.

**Бекобод шаҳар ИИБга нафақахўр З. Омонова** мурожаат этиб, икки номаълум кимса уйга бостириб кирганлигини ва ҲҒлини уриб, «Весна-309» магнитофонини олиб кетганини маълум қилди.

**Милиция майори А. Абдуллаев** бошлиқ оператив гуруҳ жиноят излари соумасдан босқинчиларни қўлга олди. Улар илгари тўрт марта судланган! Рамил ва унинг синглиси Гулялар экан.

Ота-оналар фарзандларига бегоналарга эшикни очмаслик лозимлигини уқтиришлари лозим. «Мен райгазданман», «Ҳат ёзиб қолдириш учун қалам беринг», — деган гапларга зинҳор учманг. Болалар тендошлари ва нотаниш кимсаларга Ҳй калитларини беришмасинлар.

**Фарғона шаҳар ИИБ** қониндаги қўриқлаш бўлими 1-марказлашган соқчилик пултида ташвишгоҳ ишга тушди. Милиция лейтенанти А. Исроилов, катта сержантлар К. Еқубов, М. Қайумов ва сержант О.

**Ориповлар йўлга тушдилар.** Улар синган эшик ёнида қочинга туриган шахсни тутишга муваффақ бўлишди. Ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган Борис Ҳақиқатан ҲҒрилик қилишга уринган.

Манзилгоҳингиз, Ҳй ва хизмат телефони рақамлари кўрсатилган ташриф қоғозларини Ҳар кимга бераверманг. Шунинг унутмангки, моҳир ҲҒрига сизнинг қаерда ва қайси вақтда бўлишингиз, қайси пайтда уйда бўлмаслигингиз, кимлар билан алоқада бўлишингизни билиш қўл келади.

Мабодо қимматбаҳо буюмларингизни сотиш ниятида экансиз, эълонларда қачон уйда бўлиш-бўлмаслигингизни кўрсатманг.

**Тунги соат бирлардан Ҳтганда Қибрай тумани ИИБ** ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига хабар келди. Идрисованинг хонадонига тушган ҲҒри унинг «Шарп» япон магнитофонини Ҳмарган.

**Милиция капитани У. Сайдахмедов** Тузель қўрғон милицияси ходимлари билан биргаликда илгари судланган Х. З.ни қўлга олдилар. У айбига иқроқ бўлди.

Агарда калитни йўқотган бўлсангиз, қулфини дарҳол Ҳзгартиринг. Калитларни келишилган жойларга (гиламча остига, почта қутисига) қўйиш одатини бутунлай ташланг.

Дераза ва туйнуқларнинг зулфинини солиб қўйинг. Эшикни маҳкамлашни унутманг. Агар имкони бўлса, иккинчи эшик Ҳрнатинг. Эшик қўнғироғини эшитган заҳоти уни очишга шовилманг. Кимлигини сўранг! Нотаниш кимсалардан Ҳужжатларини кўрсатишни талаб қилинг!

**Янгирлик 9-синф Ҳқувчиси** қўриқлаш бўлимига сим қоқиб, эшик ичкаридан берклигини маълум қиларкан, уйда ов миллиг борлигини айтди.

лан этиб келиб, эшикни очишди. Полда Ҳқлар сочилиб ётарди. Улар кийим жавондан иқоб кийган, илгари икки марта Ҳтириб чиққан, Ҳеч қаерда ишламайдиган шахсни ушлашди. У милиция ходимларига жисмоний қаршилик кўрсатди.

**Милиция сержанти И. Бегматов,** кичик сержант З. Кўчмуродов зудлик билан

Эшикни иложи бўлса, уч ёки тўрт Ҳринли мурват қотирғичлари билан мустаҳкамлаш зарур. Кесаки эшик қиррасига Ҳар томондан зич ёпишмоғи керак.

Қулф устидан темир липпак Ҳрнатган маълум. Иккинчи эшик худди биринчи эшик сингари Ҳрнатилмоғи, бунда биринчиси ташқарига очилиши лозим. Шундай қилинса, эшикни ичкари уриб, синдириб киришолмайди. Биринчи қаватда яшовчиларнинг деразаларга панжара Ҳрнатишларини маслаҳат берамиз.

Охири, тўғри маслаҳат: Ҳй, хонадонларингизни ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлиmlарининг марказий соқчилик пултига топширинг. Фақат шунга сизнинг мол-мулкнингиз сақланишига кафолат беради.

Маслаҳатларин Э. РАҲМАТОВ ёзиб олди.



Бувайда тумани ИИБ ДАНБ назоратчиси Убайдулла Холмирзаевни кўпчилик Ҳурмат қилади. У бу соҳада 8 йилдан буён фаолият кўрсатиб, қонунибузарларга қарши аёвсиз курашиб келмоқда. Ҳзига берилган топшириқларини пишиқ-пухта бажаришга кўниккан. Йўлдаги ноҳуш воқеаларнинг олдини олиш учун сидқидилдан Ҳаракат қилади.

СУРАТДА: милиция старшинаси Убайдулла Холмирзаев.

Ғ. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

## ПАРИШОНХОТИРЛИК

Автобус навбатдаги бекатдан кўзгалиб, бир оз юргач, кимдир бақира бошлади.

— Ҳой, шўпир болам, тўхтат! Утиб кетибман, тушиб қолай...

Ҳайдовчи уловни тўхтатди. Онахон инқиллаб автобусдан тушаркан, йўловчилар унга тугунини узатишди.

— Ҳафа бўлма болам, парижонхотирлик-да. Қариллик қурсин, — дея кеса аёл Ҳайдовчидан узр сўрагандек тушди.

Аммо парижонхотирлик фақат кексалардами? Йўқ. Бугунги ёшларимиз қариялардан ҳам Ҳтишмоқда.

Бу Ҳақда Тошкент шаҳар ИИБ топилмалар бюросининг бошлиғи Д. Тўйчиевадан қуйидаги маълумотларни олдик.

Ш. Шоиброҳимов 1991 йилнинг июлида 7-трамвайда тушиб қолган Ф. Убайдуллаевага тегишли паспорт ва Ҳайдовчилик гувоҳномасини топширган.

М. Муслимов 1991 йилнинг июлида машинада унутиб қолдирилган калитни келтириб берган.

Ғ. Светникова кўчада ётган чет эл паспортини топиб олган.

С. Босиков А. Иваевага те-

гишли паспортни топилмалар бюросига келтирган.

Шаҳримизда ҳалол ва виждонли одамлар кўплигидан хурсандмиз.

Эҳтимол худди шу бугун кимлардир алланарсаларини йўқотиб, уни қидираётгандир. Кимлардир топиб олиб, қаёққа топширишни билмай Ҳайрондир.

Йўқотганларга ҳам, топганларга ҳам саросимага тушмай, топилмалар бюросига мурожаат қилишларини маслаҳат берамиз.

Марҳамат, унинг манзилгоҳини билиб олинг.

Тошкент-100, Ботир Бобоев кўчаси, 44-уй (собиқ Б. Хмельницкий кўчаси, 8-уй).

Автобуслар: 11, 97, 32, 47. Троллейбуслар: 14, 2, 7, 3, 11. «Педагогика олийгоҳи» бекати.

Дам олиш кунлари — душанба, якшанба.

Топилмалар бюроси бошлиғи пайшанба кун соат 10 дан 12 гача қабул қилади.

Иш вақти 10 дан 18 гача.

Х. МҲДИНОВ.

## ШИМНИ САНДИҚДАН ЧИҚАРМАНГ

Яқинда Қўрғонтепа-Конибодом йўналиши бўйича қатновчи юк поезди одатдагидек текшириб кўрилганда, вагондаги контейнерлардан бирининг эшиги мушукнинг калласидек кенгликда очи-

либ қолганлиги маълум бўлди. Контейнер ичидаги молларни битталаб санаб чиқишга тўғри келди. Натияжада эркаклар шими 124 донага кам чиқди.

Жаноблар (ҳўжайинининг кийимини кинувчи хонимларга ҳам тааллуқли), то айбдорлар топилмагунча, оҳори тўқилмаган шимингизни сандиқдан чиқарманг!

## БЕҚИЛИК

Тинчлик-Учқудуқ йўналиши бўйича катта тезликда

келаётган юк поезди яшигина силтаниб тўхтади. Ундан тушиб келган машинист ва ўша жойдаги разъезд навбатчиси поезд гилдираги остидан рельсларни маҳкамлашда ишлатилувчи болтни топиб олдилар.

Кейинчалик маълум бўлишича, бу 15 ёшли Олим Едгоровнинг кўрсатган нағмаси экан. Қизларнинг соқидан тортиш ёшидан утганлигини сезган шекилли, қитмирилиги тутиб, поезд билан ўйнашишни маълум кўрибди.

С. ЭРКИНОВ.

АКС-САДО

## НЕЛАР

## КЕЧГАНИНИ

## БИЛМАЙДИ

Ўзноманинг 23 январь сонидида эълон қилинган Алишернинг мақоласи билан танишиб чиқдим.

Алишержон ҳали ёш, ўзбек халқининг ўша Октябрь тўнтаришидан то шу кунгача нима ташвиш, нима Ҳй билан яшаганини, яшаётганини, не кўргуликларни бошидан ўтказганини билса эди, бу мақолани битмаган бўлур эди.

Мен дардимни айтаман десам, қоғозга сиғмайди, қисқача баён қила қолай.

1917 йили большевиклар инқилоб қиламан деб ўзбек халқининг кўп фарзандларини отиб ташлашган. Кўпчилик қаторида отамнинг ҳам бойлигини тортиб олишган, ўзи эса зўрга қоқиб қутулган. Қадимий одатга кўра отанинг бойлиги Ҳғлига қолиши, Ҳғил буларни эҳтиёжи даражасида сарф қилиб, камол топиши керак. Большевиклар эса буни билишмади, тўғрироғи, билишни ҳам хоҳлашмади. Улар миллий анъаналар билан сира ҳисоблашингани йўқ. Сизга ёлғон, менга чин. 1930 йилда 80 яшар бир бобони жойномознинг устидан олиб кетиб, 10 йилга қамаб юборишган. Бобо қайтиб келмади. Унинг ягона айби номоз ўқигани эди. Бундай мисоллар жуда кўп. Чндаб бўладими, ахир бунга?

Алишержонга эса айтадиган гапим шуки, халқнинг тарихини кўпроқ ўқиш керак. Ҳозир эса айтаётган гапи умуман нотўғри. Чунки у халқимизнинг бошидан нималар кечганини билмайди.

Н. К.

Бухоро.

# МАНСУР ҲАҚИДА СЎЗ

Узига берилган имтиёзни сунистеъмол қилиб, одамлар гашига тегадиган, дилини оғри-тадиган мундирли ўзбошим-чалар йўқ эмас. Лекин бур-гага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйиш ҳам яхши эмас.

Мен Бўка туманидаги хиз-мат фаолиятимни бошлаган-дан бери ички ишлар ходим-ларидан кўплаб дўстлар ор-тирдим. Хусусан, туман ИИБ тергов бўлини маси бошлиғи милиция капитани Мансур Нарменовни жуда яхши билан-ман. Бу меҳнатсевар йигит ўз касбининг паст-баландини, оғир-енгилни тузуқини ўз-лаштирган. Энг муҳими Ман-сурга совуққонлик ёт. Чунки у фожиага йўлиққанлар тақ-дири билан шуғулланишини кўнгилдагидек тушунади. Шу ўринда милиция капитани Нарменовнинг эътиборга лойиқ хизматларидан бирини эслаб ўтсак, мақсадга мувофиқ бў-ларди.

Бу воқеа ўтган йилнинг бошларида содир бўлган. Ту-мандаги Тимирязев номли жа-моа хўжалигида яшовчи Сат-тор Мелиевага тегишли «Жи-гули» энгил автоуловининг икки филдирани аллақиллар-ди ўғирлаб кетишибди.

Хабар етгач, туман ИИБ жи-ноят қидирув бўлими ишга тушди. Бироқ калава хийла чигал эди. Нима қилмоқ ке-рак?

Шундай кунларнинг бирида Абдумутал Тўхлиев деган шахс даб-дурустдан жиноят қидирув бўлимига келиб, ай-бига иқдор бўлди, яъни ўша филдирларни мен ўғирлаган-дим, деб тан олди. Ходимлар бундай олижаноб жиноятчини умрларида кўрмаган бўлишса керак, бир-бирларига маъно-ли қараб қолдилар. Хурсанд-чиликнинг чеки йўқ эди. Ахир,

чигал бир жиноий иш ўз-ўзи-дан ниҳоясига етиб, мукофот-лар нақд бўлиб турибдию ку-вонмай бўладими? Аммо бу ғайритабиий ҳангомага тергов бўлини масининг бошлиғи мили-ция капитани Мансур Нарме-нов аралашдию ҳаммининг таъби тирриқ бўлди.

— Бу ғалати жиноятчини қайта текшириб кўриш керак, — деди Нарменов жиддийлик билан. — Бу ерда қандайдир сир борга ўхшайди.

Мансурнинг ўзи ғайратланиб ишга киришди. «Олижаноб» жиноятчи билан суҳбатлашди. Аммо А. Тўхлиев ҳадеб бир гапни тўтидай такрорлайвер-ди.

— Бўпти, мен ишондим, — деди Мансур Нарменов. — Фа-қат қандай қилиб филдирак-ларни ечганингизни такрорлаб кўрсатасиз.

Тергов бошлиғининг талаб-ларида жон бор эди. Чунки бир кишининг ғоят қисқа вақт ичида икки филдирани ўма-риб кетиши мутлақ ишонсиз ҳодиса. Шу келишувдан кейин Абдумуталнинг дами чиқмай қолди. Лекин ҳали ҳам ҳақи-қатни тан олмай ходимлар-нинг асабига тегишда давом этди.

Ҳақиқий жиноятчи бошқа киши эканлигида Мансур Нар-менов тўла ишонч ҳосил қил-ганди. Хўш, унда филдирак ишқибози ким?

Интиланганга толе ёр, деган-лари бежиз эмас экан. Яна анча муддат босиқлик ва зий-раклик билан иш юритилган, ниҳоят чин жиноятчилар — Зулфигор Раззоқов ва Алиқул Назаровлар қўлга олинди. Улар А. Тўхлиевни кўрқитиш ва алдаш йўли билан ўғир-ликни бўйнига олишга кўндир-ган эканлар. Афсуски, маъсу-лиятни чуқур ҳис қилган ми-

лиция капитанини ўз ноғора-ларига ўйната олишмади.

Мансур Нарменовнинг қис-қа, лекин ғоят серташвиш хизмат фаолиятида бундай воқеалар жуда кўп. Чунки Мансур милиция соҳасига та-содифан келиб қолган эмас. У 1983 йили Тошкент давлат до-рилфунунининг ҳуқуқшунос-лик факультетини тугатгач, ав-вал ўзи туғилиб ўсган Тош-кент туманида иш бошлади. Сўнгра Бўка туманига таклиф қилинди. Мансур серғайрат, ишбилармон йигит эмасми, бу ерда ҳам тезда кўпчилик эъти-борини қозонди.

Бироқ тергов бўлини маси бошлиғи М. Нарменов ўз му-ваффақиятларидан сира-сира қониқмайди. Чунки жумҳури-ятнинг ҳамма бурчакларида бўлганидек, Бўка туманида ҳам жиноятчилик кундан-кунга ўсапти. Унга қарши кураш анча суст. Чунки имкониятлар ҳам етарли эмас-да.

Жонкуяр Мансур Нарменов йиғилишларда ички ишлар бўлимининг фаолиятини ях-шилаш бўйича ҳаммаша бирор бир таклиф билан чиқади. Хусусан, ходимлар малакаси-ни ошириш, энг замонавий жиноят қидирув асбоб-ускуна-ларидан фойдаланиш, бу хайрли юмушга ҳақиқий мута-хассисларни жалб этиш ҳа-қида гап юрилади.

Милиция капитани Мансур Нарменов ҳақида қанча га-пирса ҳам оз. Чиндан ҳам мақтовга арзирли йигит. Узбе-кистонимиз мустақил давлат сифатида гуллаб-яшнаши учун айни кунларда худди шундай фидойи ходимлар жуда-жуда зарур.

Нурали ЭРГАШЕВ,  
Бўка тумани прокурори.

Иқтисодий танглик авжга чиққан айни кунларда эгри қўлли, нафс балосига йўлиқ-қан айрим шахсларнинг оши-ғи олчи туриб қолди. Аммо фидойи милиция ходимлари ҳам жим қараб туришгани йўқ.

Бағдод тумани ИИБнинг иқтисодий жиноятчилик би-лан кураш бўлини маси хо-димлари чайқовчиликка қар-ши қатор тадбирларни амал-га оширмоқда. Улар текин даромад пайига тушганлар-га кескин зарба беришаётир.

СУРАТДА: иқтисодий жи-ноятчилик билан кураш бў-лини маси оператив вакили милиция капитани Ғуломжон Холиқов (ўнгда) ва мили-ция катта лейтенанти Мух-торжон Солиев (ўртада) ҳу-қуқбузар билан мулоқотда. Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.



Ҳаёт чиғирлиқлари инсон иродасини ғалвирдек элайди. Йиллар бўронига, машаққатлар суронига кўкрак керган, ўз луқман ҳалолини поклаб, эл ишон-чини оқлаб яшаганлар умри беҳишт гулзоридан унган атиргулдек муаттар-дир. Афсуски, узоқ йиллик широбоз-лик, буйруқбозлик, тўрачилик, манфа-атпарастлик таълимни янги авлодга ан-дишасизлик иллатини туғдирди.

Умрида битта ниҳол қадашдек са-воб ишга қўл урмаган ёшларнинг жи-ноят кўчасига кириб бораётганлиги ташвишли ҳолдир. Ойла ва жамият ўртасидаги номуносибликлар, ижти-моний адолатсизликлар, ўқув ва ҳунар даргоҳларидаги бир ёқлама, эскирган тарбиявий услублар ўсмир ва ёшларни ҳаётга ишонсизлик руҳида тайёрла-моқдаки, бундан қалбнинг қаваради. Бу-гунги кун талаби бошқача. Жамият пойдеворида адолат ва тўғрилиқ гиш-тини қўймас эканмиз, кўзлаган мақсад-ларга эришишимиз қийин. Мамлакатни маърифат асрайди.

Эндигина 20 баҳорни кўрган Олег Князков, Вячеслав Кудрявцев, Қаҳра-мон Аҳмедовлар Қарши шаҳрида ис-тиқомат қилишади. Савлатидан от ҳурқадиган бу уч «шоввоз» иш деса эшик қолиб, тешиқдан қочадиғанлар хилдан экан. Мактабни бир амаллаб битиришгач, ҳалол меҳнат ўрнига те-кинхўрликни афзал билишди, ўғрили-ка қўл урдилар. Ҳали оғзидан она су-ти кетмаган, аммо келакагига тош от-

## ПУШАЙМОНГА ДАВО ЙЎҚ

ган ёшларнинг қилмишидан юрак барг-дек титрайди. Наҳот, инсон қинғир иши билан бойлик орттириб, эзгуликка та-мал тошини қўйса? Йўқ, бу чўпчак! Ойни этак билан ёпиб бўлмаганларидек, ҳар қандай номақбул ишни «исит-маси» ошқор қилади. Машоқда йўқ, ўроқда йўқ, хирмонда ҳозир текинхўр-лар қонуний жазоландилар.

Олег, Вячеслав ва Қаҳрамон ётиб ейиш орзусида тил бириктириб, Қарши шаҳрининг 5-даҳасида яшовчи Мавлу-да Ражабованикка куппа-қундузи, кўп-чиликнинг ишда эканлигидан фойдала-ниб, «дўстона» таширф буюрдилар.

Ана омаду мана омад! 8800 АҚШ доллар! Совет пулига чақсанг, эсо-нанг чиқади: 516736 сўм! Бозор нархи-да чўтга солиб кўрганнинг сочи тел-пак отади. Бир доллар 230 сўм ҳи-собланса, 8800 доллар совет пулига нақ 2 милён мулла жирингни туғади. Ҳали бу ҳолава, улар 450 франкни (4599 сўм), Хитойда ишлаб чиқарилган бир донаси 3200 сўм турадиган икки кассетли «Артек» магнитофонини, нархи 6000 сўмлик эркаклар, ёмғир пўшини, кўрган кўзни ўйнатадиган Япония махсулоти бўлмиш «Миоко» соатини ва бошқа кўпдан-кўп қиммат-

баҳо буюмларни ўлжага туширишди! Шу ўринда савол туғилиши табиий. Бунга бойлик қайдан келган бу хона-донга? Шубҳага ўрин йўқ. Мавлуда Ражабова турмуш ўртоғи Баҳром Назаров билан чет элда валюта ҳисоби-га уч йил хизмат қилиб қайтишган. Демак, эканани ўрганлар.

Мавлуда Ражабова терговда шундай кўрсатма берди:

— Кечқурун ишдан қайтсам, уй ичи тўзғиб ётибди. Сездимки, ўғрилиқ со-дир бўлган. Дарҳол милицияга хабар қилдим.

— Ўша кунни эндигина Тошкентдан келгандим, — деди Баҳром Назаров, — уйимизда милиция ходимлари суриш-тирув ишларини олиб бораётган экан. Бизнинг майда-чуйдаларимиздан укам Баҳодир хабардор эди, холос.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Қарши шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлини маси ва-киллари ўша кунидеъ ишга киришдилар. Уч «азамат» эса бу орада текин ўлжа-ни пуллаш учун миқозлар қидиришга туширишганди. Улар дастлаб Юля Со-ловьева, Вера Белева, Валерий Мар-кович, Олег Михайлов, Анатолий Хў-жаев каби олтинсеварларга қимматбаҳо буюмларни мўмайгина пуллашди. Жи-



Терговчи иш устида. Қо-ғозда тақдирнинг қора ёзув-лари. Ёзув машинкасининг чиқиллаган овози жабрла-нувчининг чирқиллаши-ю, жабрланганнинг оҳ-воҳи би-лан уйқашиб кетгандек. Йўқ, бу ҳавойи гаплар эмас, ас-лида ҳам шундай. Бунинг учун терговчи бўлиб кўриш керак.

СУРАТДА: Октябрь тумани ИИБ терговчиси милиция майори Расулжон Тошпўла-тов.

Сураткаш Ҳ. ШОДИЕВ.

## ПИШИҚ МУДИР

«Мен товарларни омбор-да сақлаш билан шахсий манфаатни кўзлаганим йўқ. Бунинг учун жиноий жавоб-гарликка тортилишим мум-кинлигини билмаганман».

Айбдор Ғаффоровнинг кўр-сатмасидан.

Одамлар қизиқда. Қизиқ бўлмаса, мана Эрдонни олайлик, ишга қираётганда, қонунни биз ҳам биламиз, деб керилмаганмиди, ҳалол ишлайман, бировнинг ҳақи-ни уриш у ёқда турсин, қў-поллик ҳам қилмайман деб қасам ичмаганмиди? Ичган-ди. Лекин нима қилди? Ҳо-зирги озиқ-овқатлар талонга берилётган бир пайтда уларни яширди.

Хайрият, Нарпай тумани ИИБ милиция ходимлари рейд ўтказишгани. Бўлма-са у омборнинг бир четига беркитиб қўйган 44 кило-грамм ҳинд чойи, 3650 ки-лограмм биринчи навли гу-руч, 40 килограмм туз, 120 қутн «Полёт» сигаретаси, 350 килограмм шакар ҳузурини мудирга таниш «каламуш-лар» кўрармиди?

М. ИСРОИЛОВА.

## БОРИБ ТУРГАН БЎҲТОН-КУ!

Ҳурматли рўзнома ходим-лари! Биз ушбу хатни йўллар эканмиз, сизлардан илтимос қиламиз, уни саҳифада чоп этсангизлар.

Биз «Поста» рўзномаси тикланганидан бениҳоя хур-санд бўлгандик. Энди ҳақ-ҳуқуқларимизни, шаънимизни турли бўҳтон, ғаламслик-лардан қутқарувчи, оғир хизматимизнинг айрим му-аммолари ҳақида бонг урув-чи, эзгу ниятимизни халққа етказувчи нашр шу, дея умид боғлагандик.

Айтиш керак, кўплаб му-аммоларнинг ижобий ҳал эти-лишида унинг хизматлари-ни камситиб бўлмайди. Аммо кейинги пайтларда жамоат тартибини сақлаш, халқ осо-йишталигини таъминлашдаги баъзи воқеа-ҳодисалар ун-да ўз аксини топмади.

Биз 16-17 январдаги Тала-балар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеалар хусусида фикр юритмоқчимиз.

Шу кунни бизлар Тошкент шаҳар ИИБ жамоат тарти-бини сақлаш бошқармаси-нинг бир гуруҳ ходимлари бурчларимизни бажариш учун ўша ёққа жўнадик. Биринчи кўрганамиз таланган савдо дўконлари, дераза ойнала-ри чил-чил синган, эшиклари бузилган ошхона, ётоқхона-лар бўлди. Ҳамма жойда тартибсизлик.

Бироқ бизни ажаблантир-ган нарса ундан кейингиси, рўзномаларда воқеаларнинг бузиб, бир ёқлама талқин қилиниши. Уларнинг фикр-ирича, бу тартибсизликларни амалга оширувчилар пой-тахт шаҳар миқозлари ва ОМОНчилар экан.

Халқ осоишталигини сақ-лаган, қанчадан-қанча ет-казилиши мумкин бўлган моддий ва маънавий зарар-нинг олдини олиб қолган миқозларни эл кўзига ёмон-отлик қилиб кўрсатиш ким-га керак экан?

Воқеаларни бузиб кўрса-тишда жумҳуриятга ўзининг демократлиги ҳақида жар солган «Эрк» партиясининг газетидан ўтадигани топил-мади.

Агарда воқеаларнинг жон-ли гувоҳи бўлмаганимизда ҳам, рўзномалардаги гапларга ишонмаган бўлардим. Ахир, бу бориб турган бўҳтон-ку! Наҳотки халқимизга унинг посбонларини фашистлардан ҳам ёвузроқ қилиб кўрса-тишларига жим қараб туриб бўлса?!

Бир гуруҳ зобитлар номидан

А. ИБРОҲИМОВ.

ноят қидирув оператив вакиллари—Шо-дихон Муродиллаева, Улуғбек Лутфи-лаевларнинг суриштиришлари чоғида ка-лава учи ана шу миқозларга боғлан-ди-ю, ишлар жонланиб кетди. Гувоҳлар сўроқ пайти буюмларни О. Князков, В. Кудрявцевлардан сотиб олганликларини айтишди. Ниҳоят, сирли ўғрилиқ фош бўлди...

— Таажжубда қоласан, — дейди тер-говчи милиция катта лейтенанти Му-хаммадқобил Қаюмов, —умр боғи энди гуллаган ўспиринлар ўғирликка қўл уришди. Эрта-индин қамоқ жазосини ўтаб чиқишгач, улар ана жиноятга қўл урмайди, деб ким кафолат беради? Жи-ноятчилар тақдирига ачинасан. Бироқ, начора...

Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган нақд бор. Ким-ки бировга жафо кўрсатибдики, жафо топиши аниқ. Ҳа, бировнинг луқмасини ютиш қийин: оғзини йиртади. Текин-хўрликни касб қилмоқчи бўлган Олег Князков, Вячеслав Кудрявцев, Қаҳра-мон Аҳмедовлар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Сўнгги пушаймонга эса даво йўқ.

Бахтиёр АНВАРОВ,  
Қашқадарё вилояти ички ишлар-бошқармаси бўлим бошлиғи ўрни-босари милиция майори.

Ўроз ҲАЙДАР,  
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

БЕДАРАК ЙУҚОЛГАННИНГ ТАҚДИРИ



Ўтган йилнинг ноябрида Янгийул туманининг «Коммунизм» жамоа хўжалиги худудидан оқиб ўтувчи «Жўн» каналдан номаълум эркакнинг жасади топилди. Тананинг боши, оёқ-қўллари йўқ эди.

Янгийул тумани ИИБда тузилган оператив гуруҳ аъзолари участка вакили милиция катта лейтенанти А. Дўсимов, милиция лейтенанти А. Оқбоевлар мурданинг шахсини аниқлашга киришдилар.

Суд-тиббий экспертизаси у қасдан ўлдирилгани, мурданинг қорни ва чап кўкрагида жароҳат излари борлиги ҳақида маълумот берди.

Бир боласи билан эридан ажраган Наташа шахсий уйи бўлган сўққабош эркак билан учрашишни орзу қила бошлади. Кўп ўтмай тақдир ана шундай киши билан йўлиқтирди. Юранинг туриш-турмуши аёлга жуда мос тушди. Ёлғиз, иккита олий билимгоҳни тугатган. Энг муҳими шахсий хонадони бор. Аслида Наташа Юрани эмас, унинг уйини кўпроқ ёқтирган эди. Аёл Юрани тузоғига илтиргач, турмуш қуришди, бирга яшай бошладилар. Аммо сохта муҳаббат аёлни уйга кўчириши билан барҳам топди.

Юзани ҳурмат, хушомад ўрнини жанжал эгаллади. Бу камлик қилгандек, аёлни илгари судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган укаси ҳам бу ерга ўрнашиб олди. Устига устак уларнинг турмуши-

га аралашадиган бўлди. Текинтомоқ Игорнинг ҳатти ҳаракатлари, муомаласи сира поччасига ёқмас, арзимаган гап баҳона эркаклар мушлаганиш даражасига боришарди. Юранинг чекмаслигини, унинг ҳидига чидай олмаслигини билиб туриб, Игор уйда сигарета тутатгани тутатгани, Опа-ука уни ўз уйдан сиқиб чиқариш учун бир ҳийла тузаётганлигини қила оларди? Бироқ нима қилаоларди? Ўша машъум кунда ҳам у ҳеч нарса қилолмасди.

Қаердандир 3 литр спирт топиб келган Игор поччаси билан улфатчилик қилмоқ ниятида эканлигини айтди. Иккови биргалашиб ичишди. Яхшигина қизишиб олингач, Игор сигарета тутатишга ўтди.

— Мен сенга неча марта айтаман уйда чекма, деб. — Ўзинг чекмайсан, чеккани кўролмайсан. Қанақа

эркаксан ўзи? Гап гапга уланиб, ўртада жанжал бошланди.

— Тўғриси поччам сал галатироқ эди. Кўпинча боши айланиб, нима деяётганини ҳам билмасди. «Мени Москвага ишга чақирингач, ўша ёққа кетаман», — дегани деганди. У Чернобилда бўлган. Балким ўшанинг таъсири бордир, — дейди Игор терговчига. — Жанжал вақтида билмай пичоқ тиқиб олибман қорнига. У жазавага тушиб кетди. Олдинроқ ҳаракат қилмасам, мени бир бало қилиши турган гап эди. Шунинг учун юрагини мўлжалладим.

Поччасини ўша заҳотиёқ тинчитган Игор кўрқиб кетган описига юзланди.

— Сенга эр керакми, уками? Бировга чурқ этиб оғиз очмайсан. Ўзим саранжомлайман.

Ҳамма иш қоронғуда бажарилди. Салор ариғи уйдан

300 метргина нарида. Лекин мурдани бутунлигича у ерга олиб бориб бўлмайди. Биронтаси пайқашни мумкин. Илгари чўчка сўйиб, қассоблик қилиб юрган Игор қассобини ишга солди. Аввал танадан бошни, сўнгра қўлоёқларни ажратиб, жомадонга жойлади. Ариққа ташлаб келгач, қон саҳраган латтапутталарни йиғиштирди, девордаги қон юқларини ювди. Наташа унга ёрдам бериб турди.

Янгийул тумани ИИБ ходимлари «Жўн» канали сувини тўхтатишиб, оқимга қарши юриб, қидирув ишларини олиб бордилар. Сув ёқасида истиқомат қилувчи хонадон эгалари билан суҳбатлашилди. Натижа эса ҳадеганда бўлавермади. Каналнинг юқори қисми Бўрижар, Салор, Қорасув ирмоқларидан иборат бўлиб, асосий сув Салор орқали келарди. Қидирув ишлари шу у

ирмоқ бўйлаб давом эттирилди.

Тошкент шаҳар Фрунзе тумани худудида мурданинг оёқлари топилди. Шу яқин атроф синчиклаб ўрганилди.

Кимдир Юранинг анчадан бери кўринмай қолганлигини айтди. Ходимлар диққатини шунга қаратдилар. Қўниқўшнилари Наташа ҳақида салбий фикр билдиришди. Аёлни ўзи эса эрининг уйдан чиқиб кетганлигини, бўлимга қидирувга берганлигини айтди.

Аммо хонадон текширилганда, қон изларининг ювиб, ариб ташланганига қарамай деворларда доғи қолганлиги аниқланди.

Игор ёқиб юборган латталарнинг ҳам ёнмай қолган қисмлари экспертизага юборилди. Қотиллик шу хонадонда содир этилганлиги аён бўлди.

Игор эртасигаёқ кўч-кўронини кўтариб, Россияга жўнаб қолган экан, ИИБ ходимлари қочоқ қотилни борган жойидан тутиб келтиришди.

Ушбу қотиллик бир ой деганда фош этилди. Уни очинида туман ИИБ бошлиғи Н. Бобоев, ўринбосари Э. Эрматов, ходимлардан А. Дўсимов, Р. Ҳошимов, А. Оқбоев, А. Абдурахмонов, Б. Умарқулов, Б. Жонтураев, Ф. Собиров, Д. Абдуллаев, А. Абдувалиев ва М. Эгамбердиевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

Фойдасини ҳамма кўради

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси тузилгач, кўп ўтмай кассавурлик ва автомашиналарни олиб қочилар билан курашадиган алоҳида оператив қидирув бўлими ташкил қилинди. Негаки шаҳарда жиноятнинг ушбу турлари жуда кўпайганди.

Авалло мазкур бўлимга ходимларни олиш муаммоси кўйилди. Анча баҳслардан сўнг армияда хизмат бурчларини ўтаган, спортнинг бирор тури билан мунтазам шуғулланган, соғлом, ростгўй, ҳалол йиғитларни қабул қилишга келишилди. Биз шу шартлар билан ишлаб чиқариш корхоналари, таъкилотларда бўлиб, кўччилик ичидан муносибларини тандадик.

Йиғитлар бошқармада махсус тайёргарликдан ўтдилар. Қисқа муддатли ўқиш даврида ҳамда амалий машғулотларда яхши натижалар кўрсатишди.

Очиғи бошида иккиланкилар ҳам бўлганди. Бироқ ўқиш давридаёқ йиғитларнинг нималарга қодирлиги аниқланди. Энг қувонарлиси, уларнинг иштиёқ билан ишлашлари. Гарчи айримлари аввалда бу ишга етарлича баҳо бермасаларда, кейин бор вужуди билан қизиқиб қолишди. Баъзилари келишилган муддатлари тугагач, ишнинг ўзгартриш ниятида эдилар. Бугун эса билиминини

ошириш, милиция олий мактабига кириб ўқиб, шу касбга ўзларини бағишлашга қарор қилишган.

Бўлимимиз ўтган йили иш бошлаб, 62 кассавурини жиноят устида қўлга олди. Йиғитларим 5 та босқинчиликни, 4 та давлат мулкни талон-торож қилиш, 3 та қурол-яроғни, 2 та гиёҳванд моддаларини ноқонуний сақлаш, сотиш каби фактларни фош этишга эришдилар.

Бундан ташқари собиқ иттифоқ миқёсида қидирувда юрган 4 нафар жиноятчи тутилди. Қанчадан қанча фуқароларнинг олиб қочилган автомашиналари эгаларига қайтарилди.

Мана шу йилнинг биринчи ойидаёқ 15 дан ортиқ кассавурлар «иш» устида қўлга туширилди.

Шу ўринда бўлимимизнинг очилишида ва ходимларни маош билан таъминлашда шаҳар ижроқўми ҳомийлик қилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Менимча, бундай бўлимлар ҳар бир шаҳарда тузилса, чакки бўлмасди. Маҳаллий раҳбарлар маблағини аямасалар бўлган. Бундан фуқаролар ҳам, шаҳар ҳокимлари ҳам манфаат кўради, холос.

Т. ИЛИЕВ, Самарқанд шаҳар ИИБ ОҚБ бошлиғи милиция капитани.



Уйнинг тинч — кўнглинг тинч. Бу иборани участка инспекторларига нисбатан қўллаш нихоятда тўғридир. Ҳақиқатан ҳам ўзига биркитилган худудда осойишталик бўлсагина, участка инспекторининг кўнгли тинч бўлади. Акс ҳолда унга тиним йўқ, кунни тунга улаб ишлашга тўғри келади.

Янгийул шаҳар ИИБ участка инспектори милиция кичик лейтенанти Самғужон Сотимов ҳар бир воқеадан хабардор бўлиб туриши, текшириш ишларини тартибли олиб бораётганлиги сабабли участкасида кўп вақтдан буён осойишталик ҳукмрон.

СУРАТДА: С. Сотимов.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Йўл четидаги болакай

Шокир Отажонов Тўрткўл туманидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида истиқомат қилиб, қурилишда тракторчи бўлиб ишлайди. Ўша кун соғлиги ёмон бўлишига қарамасдан «Планета-3» белгилли мотоциклин миниб, Тўрткўл шаҳри томон йўлга тушди.

Худди шу кун, шу маҳалда эндигина етти ёшми қаршилаган Мансурбек ҳам

кўча четида ўйнаб юрган эди. Шокир йўл ҳаракати қондаларига амал қилмаган ҳолда мотоцикли билан болани уриб юборди.

Мансурбек шаҳар касалхонасида 5 кун мобайнида оғир аҳволда ётди ва ҳаётдан кўз юмди.

Ш. Отажонов 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Саъдулла БОБО.

Қўшничилик

Кимдир кўча томондаги деразани қаттиқ тақиллата бошлади. Света шошиб ўридан турди. Қараса, қўшниси Нажим.

— Ринат уйдами?

— Йўқ. Балиқ овига кетган.

Нажим алланарса деб ёлдираганча нари кетди. Света ўрнига ётди. Шу пайт ҳовлидаги ит қаттиқ хурди. Орқасидан шиша идишларнинг тарақ-туруқи эшитилди. Света ойнадан қаради. Ҳеч ким кўринмади. Эшикка яқинлашган ҳам эдики, у шахт билан очилиб, остонада Нажим пайдо бўлди.

Аёл кичкириб юборди. Нажим эса ундан пул сўраб, урс бошлади.

«Менинг пулим йўқ», — деганини билади, чақирилмаган меҳмон томоғидан олиб, бўға кетди. Унинг вақоҳатидан даҳшатга тушган Света аранг қулоғидаги тилла зираги ва кўлидаги узугини кўрсатолди, холос. Нажим зиракча чанг солди. Шу пайт аёл кўчага отилди. Бироқ қўшни йиғит унинг орқасидан қувиб, дарвоза олдига уриб, тепишга тушди.

Сўроқ вақтида Нажим турли баҳоналар топиб, терговни чалғитмоқчи бўлди.

Эмишкни, у қўшнисининг ҳовлисида кучук ўғирлаш учун кирган. Уй соҳибаси эса уни беришни истамаган. Уртада жанжал кўтарилиб, аёлни ўзи унга ёпишган.

Хайрият кучук зирак ва узук тақмайди. Мабодо таққанида борми, Нажимнинг гапига ишонмай кўринг эди.

Нарпай тумани халқ суди Н. Исмоловнинг қилмишини ўрганиб чиқиб, ЖМ 126-модда 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортди.

М. ИСРОИЛОВА.

Сўз кетидан сўз келур

Бир кун ишлашсин...

Қачон, қаерда бўлмасин балога қолган милиционер. Бунга рўзимонинг шу йил 11 февраль сонидега босилган Э. Обидовнинг «Холвани ҳоким ейдими ёки балога милиционер қолаверадими?» мақоласи гувоҳ.

Мустақиллигимизни кўра олмайётганлар уюштирган Талабалар шаҳарчасидаги воқеаларда ҳам милиционер-

ларни айблашгани тўғри эмас.

Тўғри, талабаларга қийин. Лекин ҳозир кимга қийинмас? Далада кун бўйи ишлаб, талабанинг стипендия-сичалик маош олмайдиған

кётмончига осонми?

Менинг турмуш ўртоғим милицияда ишлайди. Буйруқ олдими, қаерга бориш, нима хизмат қилиш лозим бўлса, кечам, кундузми бажаради. Мен ҳам ҳар тонг уни

ишга кузатар эканман, болачақаси бахтига эсон-омон, соғ-саломат кириб келишини хоҳлайман. Ўша милиция шаънига лой суртаётганлар бир кун одамлар билан, уларнинг қайғуси билан ишлаб кўрсалар эди...

Л. ЖУРАЕВА, Бухоро шаҳри.

26 февраль кунини йўл-улов ҳодисаси пайтида Бойсун тумани ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Д. Нурелдиев, ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани Э. Қодиров ва ИИБ ДАНБ катта инспектори милиция майори Б. Хушбековлар фонжалли равишда ҳалок бўлдилар.

ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби марҳумларнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Шанба учрашувлари

## Савобнинг баҳоси бўлмас

Косонсой қадимдан Урта Осиё шаҳарлари орасида ўз ўрнига эга бўлган. Аҳолиси деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик билан донг таратган. Бугдой ва мусаласни узоқ вақт сақлаш сириндан ҳам воқиф бўлганлар.

Шаҳарда «Бештош» деб аталган жой бор. Боиси бу ерда 5 тегирмон тоши ишлаб турган. Уларни Ҳолиқназар бобо уста авлоди оддий тошни йўниб ясаганди.

Султонбой, Абдуғанибой, Абдуҳалимбойларнинг етти авлоди бунда обжувоз ва тегирмонлар қуриб, элнинг оғирини энгил қилганлар.

Косонсойнинг ёшу қариси уларни ҳамон ҳурмат билан эслашади. Ҳа, инсон нимаки яхшилиқ қилса, ҳеч қачон унутилмайди. Ёмонлиги ҳам.

Буюк инқилобнинг куйдириб-ёндирувчи шамоли Косонсойга ҳам етди. Уша вақтлар бизларни варварлар, маданиятсизлар, деб ҳақорат қилган инқилоб чавандозлари Абдуҳалимбойнинг эшак кучи билан юрвчи жувози, тегирмонини кўриб:

— Сенинг заводинг бор экан! Сен помешчиксан, — деб таъқиб ва қувгинга солди. Ерлар эса «Коммуна»га ўтказилди.

Бора-бора бу даргоҳ вайронага айланган эди. Тегирмону обжувоздан асар ҳам қолмади. Беш тош ҳам исиз йўқолди.

Вақт ўтди, йиллар ўтди. 1991 йили ана шу хароба жойда дид билан қурилган тегирмон иш бошлади. Ёнгинасига кичкина чойхона қурилди.

Бугун эса тегирмонга келган ёшу қари чойхонада бир дам ўтириб, уни қайта тиклагани дуо қилишмоқда.

Тегирмонни ким тиклади? Унга Абдуҳалимбойнинг ўгли, Косонсой тумани ИИБ ТВ бошлиғи милиция подполковниги Абдужалил Абдуҳалилов қайта ҳаёт бағишлади.

Абдужалил 1972 йили Душанба дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётини имтиёзли тугатиб, ишни Поп тумани ИИБдан бошлади. Аввал ЖҚБ оператив вакили, катта оператив вакил, катта терговчи, виллоят ИИБ катта терговчиси, Янгиқўрғон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлади. Хужжатларни ўзбек, тожик, рус тилларида бемалол ўқи-

ши, ёзиши унга ҳар жиҳатдан қўл келди.

— Мен 1986 йили тегирмон ва ёнига чойхона қуриш мақсадимни маҳалла оқсоқоллари билан бўлишим. — дейди Абдужалил ака. — Икки кун ўтиб, мени виллоят партия қўмитасига чақиртиришди. Собий раҳбарлардан бири: «Сиз мачит қурмоқчи экансиз?», — деди. Эртасига яна бошқа жойга чақирилдим. Яна ўша савол. Шу билан ҳамма иш таққа тўхтади. Мустақиллик шабдаси эсиши билан оқ-укаларим, қариндошларим, маҳалладошлар билан қайта маслаҳатлашдим. Маъқуллашди.

Худди ўша ерларни «Коммуна» жамоа хўжалигидан 1750 сўмга сотиб олдим. Таътилга чиққач, ҳамма қариндошларим билан пул йиғиб, уста ёлладик ва ишга киришдик. 2 ой ичида тегирмон битди. Қурилиш тепасида 90 ёшли Ҳолиқназар бобонинг ўзи турди.

Ҳозир тегирмон бир кеча-кундузда 1 тонна ун чиқараётган. Богишамол, Ровот, ҳатто қўшни Қирғизистоннинг Олабуқа туманидан ҳам одамлар бугдой олиб келишмоқда.

Маҳалла аҳли ҳашарда қатнашганлиги учун уларга бепул. Бошқалардан эса кетган ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда ҳақ олишмоқда. Маҳаллада қаровсиз отахонлар, онахонлар бор. Уларга ойинга бир қоп ун бепул тарқатилмоқда.

Тегирмон ичига кирдик. Ун чиқаётган жойда 80 ёшлар чамасидаги ёнгларини марилган мўсафид қопга ун соляпти. Соч-соқоллари оппоқ ун.

— Отахон, ҳамма ёнгингиз оппоқ ун-ку!

Ота қафтларига бир ҳовуч унни оларкан, юзларига сурди.

— Болам, шу кунларни кўрармиканман, деб орзу қилгандим. Мақсадимга етдим. Худога шукур. Тегирмон унинг бир бурда ноини енгу...

Абдужалилнинг отасини яхши билардим. Еш кетди. Халқ учун хизматини аямаганди. Ўғли ҳам отасининг изидан борди. Раҳмат уларга, ҳеч кимдан кам бўлишмасин.

Ҳа, косонсойлик А. Абдуҳалилов савобга қолган инсонлардан.

Неъматжон МАМАЖОНОВ.

Еп-ёруғ салонли трамвайда Сизу Мен. Еруғликнинг кучоғини тўлдириб турган вужудимиз қўшилишиб ёруғликка айланиб қолган.

Трамвай нур чақнатиб, туннинг қоқ кўксини кесиб. Инграб югуради. Салонда Сизу Мен. Сизу Мени олиб тонгга элтиб қўймоқ

ҚАТРА

## ТРАМВАЙДА

унинг нияти.

Трамвай, Сиз, Мен — Ҳаёт, Қуёш, Осмон бирга кетишмоқда. Туннинг, қоп-қора туннинг — дарду алам, ҳижроннинг кўксини тилиб,

рельслар бўйлаб югурмоқда. Ҳаёт, Қуёш, Осмон бир-бирисиз яшолмайдилар. Аннқроғи Ҳаёт Сизу Мени бирлаштириб турибди.

Хув, ана, олисда бизларни оппоқ тонг кутиб турибди. Оппоқ тонг.

Нақадар соз.

ОИГУЛ.



Мен ҳам мактабга бораман. С. Бобо олган сурат.

## МУСАҲҲИХ ЁМОН АДАШДИ

Мустақил савлат! Нақадар жарангдор сўзлар. Ажойиб оҳинг мужассам. Етмиш уч йил кудик бу хунни. Мустамлакачилик барҳам топиб, музтақчиллик кўёши тепамиздан нур сота бошлади. Халқимиз озор кунларга етишди.

Қайта қуриш бизга кўп нарсаларни берди. Жумладан, тилимизга савлат тили мақоми берилди. Кўплаб сўзларимиз истеъмолга қайтарилмоқда. Бу борада, айниқса, Аталалар комиссияси олиб бораётган ишлар таҳминга сазовор. Қонуннинг қамалда жорий қилинганига қарийб икки йил ўлган бўлса, комиссия анча жишларни илиб сўйди. Омон бўлсин «гоҳ», «нома» деган кўшимчалар. Комиссия аъзоларига жуда қўл келди. Янги-янги сўзлар пайдо бўлди. Масалан, «парк» сўзининг ўрнига «ҳором-гоҳ», «институт» ўрнига «осий-гоҳ», «рапорт» ўрнига «чаён-нома»... Ҳар чоракда комиссия йиқилиш ўтказиб, бажорилган ишларни салҳисоб қилади.

Хуллас, шунақа гаплар. Ишқилиб, Ўзбекистонни «ўзбек-гоҳ» деб алмаштиришмасинда...

Рўзноманинг маҳбус муҳбири Эркин САТТОРОВ.

## КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Дўконда харидор сотувчига мурожаат қилди:

— Илтимос, менга анови раҳбар балиқни берсангиз.

— Мени маъзур тутасиз-у, лекин гапингизга тшунмадим.

— Семиз ва бошсиз балиқни айтаяпман.

\*\*\*

Роса ичиб олган киши кечаси уйига шишадешини бошлаб келиб, хоналари билан таништира бошлади: «Мана бу меҳмонхона, буниси ошхона... ётоқхона. Ухлаб ётган — хотиним, ёнидаги одам эса менман...»

\*\*\*

Ичавериб хурмачасидан ошириб юборган одам эрталаб бош оғриғи билан уйғонди. Уйғонди-ю, дўстларидан бирининг уйида — стол устида сакраб-сакраб турган лимонни кўрганлигини эслаб қолди. Дарров кўнгироқ қила бошлади:

— Мен кеча сеникида бўлганмидим?

— Ҳа.

— Стол устида сакраётган лимонни сеникида кўрдимми?

— Ҳм, лимон нималигини эсдан чиқараёзганман-у...

Иккинчисига кўнгироқ қилди. Маълум бўлишича, у дўстиникига ширакайф бўлиб келган. Лекин уникида лимон у ёқда турсин, ҳиди ҳам йўқ экан. Ноилож учинчисининг телефон рақамларини терди:

— Мен кеча сеникида бўлганмидим?

— Ҳа.

— Ичган эдимми?

— Яна қандай.

— Демак, сакровчи лимонни сеникида кўрган эканман-да.

— Ҳа, ярамас, ҳали сендинг канарейкамни чойга соламан деб, роса гн-жнмлаган?

(«Детектив» рўзномасидан олинди).

Балиқ овидан хомуш қайтган эр хотинига мингирлаб деди:

— Сен бундан буён гўшт сотиб олиш учун бозорга бориб юрмайдиган бўлдинг.

Хотини ажабланиб сўради:

— Наҳотки шунчалик кўп балиқ овлаган бўлсангиз?

— Тушингни сувга айт. Балиқ овида улфатлар билан озгина машаққат қилиб, бор пулимни харжлаб қўйибман.

Бир аёл ранги-кути ўчиб кўшнисига деди:

— Эримдан жудаям ташвишланаяпман.

Кўшниси ҳайрон:

— Нега ташвишланасиз? Нима гап?

— Гўшт ўғирлаб еб юрадиган мушугимиз бор эди. Уша ўлгур эрим зўрға топиб келган гўшни ҳам еб қўйибди. Уни чўктириб юбораман, деб кўлга олиб кетгандилар...

— Э, қўйинг-е, шунгаям ташвишми?

— Гап унда эмас, кўшни. Билсангиз, ўша мушук ўлгур аллақачон уйга бешикаст қайтиб келди. Эримдан бўлса ҳамон дарак йўқ.

Пианиста боши айланиб хотинига деди:

— Бўлди, бас. Сен бошқа ичма, уқдингми?..

— Нималар деяпсиз, дадаси! Ахир, мен умрим бино бўлиб ичкиликни оғзимга олган эмасманку.

— Ҳим-м, ичганим йўқ, дегин. Нега бўлмаса, кўзимга тўртта бўлиб кўриняпсан!

Тўпловчи Турсунбой МАҲМУДОВ.

## БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

### КўРҚАСМИШ

Ошхонада куйманаётган Ҳанифа опа жаноки қизи Ҳалимага иш буюрди:

— Она қизим, уйдан қошиқни олиб чиқин. Боя хонтахта устида қолдирибман.

— Ойижон, ўзиз опчиқақолинг...

— Вой, қизим тушмагур-ей, ҳалиям уйга битта ўзинг кинришга кўрқасанми! Энди катта қиз бўлиб қолдинг-ку, уят бўлади.

— Йўқ, сираям кўрқимийман.

Ишонмасайиз, мен билан бирга кириб, кўрқамганимни ўзим кўрасиз.

### БУРЧАККА КЕТДИМ

Беш ёшга тўлган Маъруфжон уй ичида шўхлик қилаётиб, стол устида турган гулдор пиёлани полга тушириб юборди. Тикув машинасида ўғилчасига кўйлак тикаётган Гулнора опа синган чинни овозини эшитиб, орқасига қаради-да, «уят» дегандай, бош чайқаб қўйд. Маъруфжон шунда нима деди:

— Мен бурчакка кетдим, ойи, деворга қараб туриш учун. Стол остидаги синиқларни ўзим терволарсиз...

### КўГИРЧОҒИМ УХЛАЯПТИ

Она: — Кўғирчоғинг қани, қизалогим! Қаерга қўйдинг уни! Қизча:

— Ойижон, мен уни ухладим. Ахир, боя ўзиз айттизу, бугун кечқурун тележорда кўрсатадиган кинони болалар кўриши мумкинмас, деб...

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳри.

## ТАННОЗ ЭКАН

(БАЪЗИ БИР АЕЛЛАРГА)

Мен кўнгиб қўйган санам билсам, ўта танноз экан. Эртадан оқшомгача қилган иши пардоз экан. Пардозига эътирозим бўлмагай, бу — қизга хос. Лекин унинг бўлишида чин гўзаллик оз экан. Тунлари қандай китоб сизга бўлур ҳамроҳ десам, Ул китобдан кўп йироғу «мода»га ҳамроҳ экан. Сочини қирқиб тағидан, айламин «модний» ун, Сочи киби фаҳми озу лек юриши фоз экан. Мен синов қилмоқ учун унга дилим фоз айласам, «Борми «Волга»нгиз», — деди у, рост баландпарвоз экан.

Эл аро топмас қадр, Нусрат, бу янглиг кимсалар, Боадаб, меҳнатсевар лойиқи эъзоз экан.

Нусрат АБДУСАЛОМОВ, Андижон шаҳри.

Муҳаррир ўринбосари  
Ғайратжон  
БОЛТАБОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.  
Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни  
босмаханаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
муҳбирлар бўлиши — 59-26-56, 59-20-92, умушй бўлиши — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615. 43920 нускада чоп этилди.